ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

РАСУЛЕВ АБДУЛАЗИЗ КАРИМОВИЧ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

УДК 343:7:343:9.18(575.1)

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Расулев Абдулазиз Каримович
Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш 5

Расулев Абдулазиз Каримович
Совершенствование уголовно-правовых и криминологических мер борьбы с преступлениями в сфере информационных технологий и безопасности 33

Rasulev Abdulaziz Karimovich
Improvement of criminal-legal and criminological measures of fight against crimes in the sphere of information technologies and safety 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 72

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

РАСУЛЕВ АБДУЛАЗИЗ КАРИМОВИЧ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Yu40 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.akadmvd.uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Абдурасулова Қумриниса Раимкуловна** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Зуфаров Рустам Ахмедович** юридик фанлар доктори, профессор
	Мирзаев Азиз Алишерович юридик фанлар доктори, доцент
	Махкамов Отабек Мухтарович юридик фанлар доктори
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.25.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» июль соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100147, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» июлда тарқатилди.

(2018 йил «___» июлдаги __ рақамли реестр баённомаси).

Ў.Х. Мухамедов
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

И.Ю. Фазилов
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

А.Г. Закирова
Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашиш муаммолари тобора глобал аҳамият касб этмоқда. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси, Европа Кенгаши, ШҲТ, МДҲ, Араб давлатлари лигаси ва бошқа ташкилотлар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда 7 миллиардга яқин инсон (дунё аҳолисининг 95 %) электр алоқасининг кўчма тармоқлари билан қамраб олинган [1], йилига кибержиноятчилик оқибатида етказилган моддий зарарнинг миқдори дунё ЯИМнинг 1 %ни ташкил этади[2].

Жаҳонда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, кибержиноятларга қарши курашиш, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ва уларни содир этган шахсларнинг криминологик тавсифини ўрганиш, халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишнинг долзарблиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этмоқда. Ахборот технологиялари соҳасидаги муносабатларни ва ахборот хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, мазкур жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган миллий қонун ҳужжатлари ва қонунни қўллаш амалиётида учрайдиган жиноят-ҳуқуқий муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимларини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш, ахборот технологиялари соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш мақсадида дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш»[3] каби масалалар назарда тутилган. Шу сабабли, жиноят қонунчилигига шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфли ахборотларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгилаш, ахборот хавфсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида муҳофаза қилиш, ахборот соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Ўзбекистон

[1] http://www.itu.int/net/pressoffice/press_releases/2016/pdf/30-ru.pdf (International Telecommunication Union).
[2] http://www.statista.com/ (The Statistics Portal).
[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

Республикаси Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 467–I-сон, 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560–II-сон, 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа соҳадаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни комплекс тарзда амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[1]. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқотлар етакчи илмий-таҳлилий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Alabama (АҚШ), Faculty of Law, University of Turku (Финляндия), Chaitanya Bharathi Institute of Technology, Osmania University, Hyderabad (Ҳиндистон), Environment and E-Application Department, ITU Telecommunication Development Bureau (Швейцария), Department of Political Science at Tel Aviv University (Исроил), М.В.Ломоносов номидаги МДУ Ахборот хавфсизлиги муаммолари институтида (Россия Федерацияси), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказида, Тошкент ахборот технологиялари университетида (Ўзбекистон) амалга оширилмоқда.

Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар натижасида: кибержиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш чоралари ишлаб чиқилган (University of Alabama, АҚШ); ҳуқуқий тизимларни унификация қилиш ва уйғунлаштириш орқали халқаро миқёсда кибержиноятчиликка қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилган (Faculty of Law, University of Turku, Финляндия); ахборот инфратузилмасинининг киберхавфлардан ҳимоя қилинганлигига салбий

[1] Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: www.scholarsstrategynetwork.org, www.webology.org, www.itu.int, www.unodc.org, www.inss.org.il, www.crs.gov ва бошқа манбалар асосида ёритилган.

таъсир кўрсатувчи ижтимоий-ҳуқуқий: фойдаланувчиларнинг бепарволиги, ахборот соҳасидаги билимларнинг етишмаслиги, ҳуқуқбузарлик содир этганларнинг жавобгарлигини таъминловчи ҳуқуқий механизмнинг кучсизлиги каби омиллар аниқланган (Chaitanya Bharathi Institute of Technology, Osmania University, Hyderabad, Ҳиндистон); ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш лозимлиги асослантирилган (Environment and E-Application Department, ITU Telecommunication Development Bureau, Швейцария, Россия Федерацияси Ички ишлар Академияси Санкт-Петербург университети); кибержиноятчиликка қарши курашиш миллий хавфсизликни таъминлаш омилларидан эканлиги изоҳланган (Department of Political Science at Tel Aviv University, Исроил), кибержиноятчилик, компьютер терроризми ва ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) давлатлараро низоларда қўлланишига қарши курашиш лозимлиги асослантирилган (М.В.Ломоносов номидаги МДУ Ахборот хавфсизлиги муаммолари институти, Россия Федерацияси); ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси), “Хавфсиз шаҳар” дастурининг амалга оширилиши бўйича тизимли равишда амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази), ахборот ҳимоясини таъминлашнинг дастурий-техник воситалари ва моделлари, криптографик чоралари ва усуллари тизими яратилган (Тошкент ахборот технологиялари университети).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар ечимини топишга қаратилган қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: иқтисодиёт соҳасидаги кибержиноятларнинг юридик табиатини очиб бериш орқали улар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш; ахборот хавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсадида махфий маълумотни ўз ичига олувчи компьютер ахборотидан ғайриқонуний фойдаланганлик, шахсий маълумотларни Интернет тармоғида тарқатиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгилаш орқали жиноят қонунчилигини такомиллаштириш; шахсни салбий ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида ўрганилаётган жиноятлар квалификациясини такомиллаштириш; ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларни содир этган шахсларнинг криминологик тавсифини ўрганиш асосида мазкур жиноятларни барвақт олдини олишнинг самарали ва таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш; кибержиноятларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари нафақат миллий, балки дунё жиноят-ҳуқуқий фанида янги

йўналиш ҳисобланади. Мамлакатимизда мазкур муаммонинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик (Е.С.Абдурахманов, Р.Кабулов, М.Х.Рустамбаев, К.Р.Абдурасулова, М.Собиров, Н.С.Салаев, Д.И.Сафаров), шунингдек, криминалистик (А.С.Закутский, Т.Н.Бутунбаев) чораларининг умумий ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг таркиби, хусусиятлари, улар учун жиноий жавобгарлик, жиноятларни квалификация қилиш ва исботлаш масалалари, шунингдек жиноятларнинг виктимологик, криминологик, социологик (жиноят-статистик) жиҳатлари В.А.Бессонов, М.Ю.Дворецкий, С.Г.Спирина, В.С. Карпова, Д.Г.Малышенко, А.М.Доронин, А.А.Жмыхов, Т.Л.Тропина, Т.М.Лопатина, У.В.Зинина, А.В.Глушков, М.А.Зубова, Ю.М.Батурин, Ю.М.Жодзинский, Н.А.Селиванов, Н.С.Полевой, Д.А.Крылов, В.Б.Вехов, Б.В.Андреев, О.М.Сафонов, В.П.Хорст, Ю.В.Гаврилин, А.Л.Осипенко ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шунингдек А.В.Мнацаканян, Д.А.Ковлагина, Г.И.Узембаеваларнинг ахборот хавфсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, А.А.Шутова, М.А.Простосердов, М.Ю.Шаляпина, А.Ю.Чупрова, З.И.Хисамоваларнинг иқтисодиёт соҳасида ахборот воситаларидан фойдаланиб, содир этилган жиноятлар, Г.Г.Родионовнинг ушбу жиноятларнинг криминалистик тавсифи, И.Р.Бегишевнинг рақамли ахборот жиноятларига қарши курашиш, J.Howardнинг (АҚШ) Интернетга тармоқли хужумлар статистикасининг таҳлили, J.Smithнинг (АҚШ) тармоқли хужумларнинг тергов қилиш техникаси; B.Collin (АҚШ), D.Denningларнинг (Великобритания) кибертерроризм ва ахборот хавфсизлиги, S.Furnell (Австралия), P.Grabosky (АҚШ), P.Himanenларнинг (Финляндия) кибержиноятчи ва хакер шахси, E.Hickey (Австрия), D.Parkerларнинг (АҚШ) кибержиноятларнинг криминологик жиҳатларига бағишланган тадқиқотларни таъкидлаш лозим.

Республикамизда ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик (Х.Р.Очилов) мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ҳимоя қилинган. Ушбу тадқиқотда ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва шароитлари, компьютер фирибгарлиги, ўғрилиги тадқиқ этилган. Аммо ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштиришга оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ва «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти муаммолари», «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашишни такомиллаштириш муаммолари» илмий тадқиқотларининг долзарб йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ахборот технологиялари ва хавфсизлиги

соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят ҳуқуқи доктринасини ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

жиноят қонунчилиги ва унинг самарадорлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ахборот соҳасидаги жиноятчилик, ахборот соҳасидаги янги хавф ва хатарларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида миллий ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа муассасалар фаолиятига халқаро стандартлар, қоидаларни имплементация қилиш имкониятларини кенгайтириш юзасидан тавсияларни бериш;

ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар профилактикаси ва уларни олдини олишнинг криминологик чоралари самарадорлигини ошириш;

ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши жиноят-ҳуқуқий курашиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва ташкилий чораларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларни содир этганлик учун Ўзбекистон Республикасида жиноий жавобгарликни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, амалдаги қонунчилик ва хорижий мамлакатлар амалиёти, шунингдек жиноят ҳуқуқи фанида мавжуд бўлган концептуал ёндашув, илмий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Белгиланган вазифаларни амалга оширишда илмий тадқиқотнинг умумий ва махсус усуллари: тарихий, тизимли, аниқ-социологик, қиёсий-ҳуқуқий, таҳлилий, миқдорий таҳлил (контент-таҳлил), мантиқий-юридик ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Мазкур усулларнинг барчаси маълум даражада диссертация тадқиқоти натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шахсий ҳаёт дахлсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этишда шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш зарурати асосланган;

шахснинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашда шахсий ҳаёт дахлсизлигига тажовуз қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси ЖК 141^1-моддасида жавобгарлик белгилаш зарурати исботланган;

жиноят қонунининг одиллик ва инсонпарварлик принципларини таъминлаш мақсадида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни содир этганларга нисбатан озодликни чеклаш тарзидаги жазони қўллаш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

айрим турдаги жиноятлар (пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолиятни амалга ошириш (ЖК 188^1-моддаси), жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш (ЖК 244^1-моддаси))нинг телекоммуникация тармоқлари ва интернет орқали содир этилишининг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги исботланган;

телекоммуникация тармоқлари ва интернет орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш учун жавобгарлик белгилаш зарурати асосланган;

ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган интернет сайтларида салбий ахборотни тарқатганлик учун блогернинг жавобгарлигини қонунига киритиш кераклиги исботланган;

электрон тижоратни амалга оширишда иштирокчиларнинг шахсий маълумотларидан шартномада белгиланмаган мақсадларда фойдаланиш, мазкур маълумотларнинг ошкор этилиши таъқиқланиши лозимлиги асосланган;

ғайриқонуний хулқ-атворни оқлайдиган ва ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келадиган, жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этувчи ахборотнинг болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланиши ва бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланиши таклиф этилган;

ахборот соҳасидаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан «ишончли мулоқот» услубининг қўлланиши мақсадга мувофиқлиги, уларнинг психологик ҳолатидан келиб чиқиб, суриштирув, тергов ва профилактик чора-тадбирларнинг амалга оширилиши лозимлиги кўрсатилган;

ахборот технологиялари воситасида шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва аҳлоқига салбий таъсир кўрсатилиши сабабли мазкур ҳаракатлар ижтимоий хавфли қилмиш сифатида тан олиниши лозимлиги таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашишда жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларни асосий восита сифатида тан олиш, шунингдек уларни миллий жиноят қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритиш заруриятига оид тегишли таклифлар берилган;

ахборот соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳозирги ҳолатини, уларга қарши курашиш тизими ва механизмини чуқур ўрганиш асосида ахборот хавфсизлиги соҳасида концептуал норматив-ҳуқуқий

ҳужжатни қабул қилиш масаласи кўтарилган, хусусан, ахборот хавфсизлигининг ҳозирги ҳолати таҳлили асосида замоновий хавф ва таҳдидларни инобатга олган ҳолда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифалар қўйилган ва долзарб муаммолар аниқланган Ўзбекистон Республикасининг Ахборот хавфсизлиги концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази ҳузурида махсус лабораториянинг ташкил этилишисинов ва тадқиқот ишларини амалга ошириш, шунингдек ахборот хавфсизлиги соҳасида ҳимоя воситаларини тестдан ўтказиш орқали ахборот хавфсизлиги соҳасидаги салбий ҳодисаларни аниқлаш ва тергов қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши асослантирилган (у компьютер вируслари, зарарли дастурлар, ноқонуний фойдаланиш ва бошқалардан муҳофаза қилишнинг янги воситаларни синовдан ўтказиш бўйича ўзига хос “полигон” функциясини бажаради);

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамкорлигида ва мутахассис, эксперт ва таҳлилчилар иштиркида «Ёш дастурчи-ватанпарварлар клуби»ни ташкил этиш зарурияти асослантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланган бўлиб, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, амалдаги жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини ишлаб чиқишда, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ҳамда жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқий кибернетика, криминалистика, ахборот ҳуқуқи, ахборот хавфсизлиги, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида ахборот хавфсизлиги, суд экспертизаси каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш, мазкур жиноятларни олдини олиш самарадорлигини ошириш, ахборот хавфсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида тадқиқ этиш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Шунингдек, жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқий кибернетика,

криминалистика, ахборот ҳуқуқи, ахборот хавфсизлиги, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида ахборот хавфсизлиги, суд экспертизаси фанлари бўйича маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ–411-сонли Қонунига кўра Ўзбекистон Республикаси МЖтК 46^1-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмитасининг 2016 йил 28 сентябрдаги 06/1-05/1148-вх-сон маълумотномаси). Мазкур ўзгартириш шахсий ҳаёт дахлсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этишга хизмат қилган;

шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ–411-сонли Қонуни билан киритилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 141^1-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмитасининг 2016 йил 28 сентябрдаги 06/1-05/1148-вх-сон маълумотномаси). Шахсий ҳаёт дахлсизлигига тажовуз қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланиши шахснинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилинишини ва жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаган;

ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни содир этган шахсларга озодликни чеклаш жазосини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ–389-сонли Қонунига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 278^1–278^6-моддаларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмитасининг 2018 йил 2 июлдаги 06/1-05-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун муқобил жазо тайинланишига хизмат қилади;

айрим турдаги жиноятларни телекоммуникация тармоқлари ва Интернет орқали содир этилишининг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сонли Қонунига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 188^1-моддаси, 244^1-моддаси учинчи қисми «г» бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмитасининг 2018 йил 2 июлдаги 06/1-05-сон

маълумотномаси). Мазкур таклифга мувофиқ ахборот технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган;

телекоммуникация тармоқлари ва интернет орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш учун Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ–436-сонли Қонунига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 103- ва 103^1-моддаларида жавобгарлик белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмитасининг 2018 йил 2 июлдаги 06/1-05-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф инсон ҳаётига таҳдид солувчи турли ахборот ҳуружлари учун жиноий жавобгарлик белгиланишига хизмат қилган;

ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган айрим турдаги салбий ахборотни Интернетда тарқатганлик учун блогернинг жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-II-сонли Қонунининг 3- ва 12^1-моддаларига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2018 йил 2 июлдаги 05/2-01-71-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф интернет тармоғидан фойдаланиб, содир этиладиган турли жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади;

электрон тижоратни амалга оширишда иштирокчиларнинг шахсий маълумотларидан шартномада белгиланмаган мақсадларда фойдаланиш мумкин эмаслиги, мазкур маълумотларнинг ошкор этилмаслиги лозимлиги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 22 майдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги ЎРҚ–385-сонли Қонунининг 18-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2018 йил 2 июлдаги 05/2-01-71-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф электрон тижорат иштирокчилари томонидан шахсий маълумотлардан ғайриқонуний фойдаланишнинг тақиқланишига асос бўлган;

ғайриқонуний ҳулқ-атворни оқлайдиган ва ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келадиган, жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этувчи ахборотни болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланиши ва бу ҳаракатлар жавобгарликка олиб келиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ–444-сонли Қонунининг 16-моддасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2018 йил 2 июлдаги 05/2-01-71-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф болалар орасида уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот тарқатилишининг ғайриқонуний ҳаракат сифатида баҳоланишига хизмат қилган;

ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарликни такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини ривожлантириш концепцияси доирасида таҳлилий маълумотларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2018 йил 2 июлдаги 05/2-01-71-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминланишига хизмат қилган;

ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан «ишончли мулоқот» услубининг қўлланиши мақсадга мувофиқлиги, мазкур шахсларнинг психологик ҳолатини инобатга олиб, суриштирув, тергов ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли таркибий бўлинмалари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 2 июлдаги 33/1985-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар профилактикаси самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларнинг сабабларини ўрганишда ташқи таъсирларни, ходимларнинг компетентлик ва амалий кўникмалари даражасини, ҳуқуқбузарлик мотивларини аниқлаш, шунингдек, ижтимоий тармоқлар мониторинги олиб борилиши лозимлиги тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли таркибий бўлинмалари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 2 июлдаги 33/1985-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда уларни барвақт олдини олишга хизмат қилган;

ахборот хавфсизлиги давлатнинг миллий манфаатлари билан бевосита боғлиқлиги сабабли жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти эканлиги Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасида ўз аксини топди (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказининг 2017 йил 13 ноябрдаги 03-07-02/124-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ахборот хавфсизлиги жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида ҳимоя қилинишига хизмат қилган;

ахборотни муҳофаза қилишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказининг 2017 йил 13 ноябрдаги 03-07-02/124-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг ахборотни муҳофаза қилишга йўналтирилишини таъминлаб берган;

аҳборот хавфсизлигига таҳдид солувчи хавфларнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказиши Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказининг 2017 йил 13 ноябрдаги 03-07-02/124-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ахборот таҳдидларининг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилигини ва ахборот соҳасида жиноят содир этилишининг омили сифатида баҳолаш имконини берган;

шахснинг онгига ахборот технологиялари воситасида таъсир кўрсатиш унинг ҳаёти, соғлиғи ва аҳлоқига салбий таъсир кўрсатиши сабабли шахсни ғайриқонуний ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказининг 2017 йил 13 ноябрдаги 03-07-02/124-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ушбу ҳаракатларнинг ижтимоий хавфли қилмиш сифатида тан олинишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, хусусан, 5 халқаро ва 5 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 27 илмий иш, шу жумладан 1 монография, 16 илмий мақола (4 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуи бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси,

диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларнинг жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ижтимоий зарурияти»** деб номланиб, уч параграфдан иборат. Биринчи параграф *«Компьютер жиноятлари тушунчаси, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидани муносабатларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг генезиси»*га бағишланиб, унда «компьютер жиноятлари»нинг вужудга келиши ва улар учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормалари ривожланиш тарихи таҳлил қилинган.

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги ривожланиши тарихини ўрганиш асосида дастлаб компьютер технологияларидан фойдаланиб содир этилган турли суиистеъмолчилик ва ғайриқонуний қилмишлар, шу жумладан жиноий жавобгарлик белгиланган қонун ҳужжатларини қабул қилиш орқали ҳуқуқий баҳо бериш амалга оширилганлиги асослантирилган. Қонунни қўллаш амалиётида иккита ёндашув: анъанавий жиноят таркибларини кенг шарҳлаш ва ўзгарувчан компьютер жиноятлари учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи махсус нормаларни ишлаб чиқишдан фойдаланилган. Шу билан бирга, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар янги ахборот хавфлари ва таҳдидлари тури кўринишига эга бўлишни бошлади, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан турли ноқонуний кенг қамровли сиёсий тадбирларни, жамият онгини шаклланишига таъсир ўтказиш бўйича уринишларни, сиёсий, аксилдиний, экстремистик, сепаратистик, террористик ва миллатчилик тусига эга чақирувларни Интернет тармоғи орқали тарқатиш билан агрессив сиёсий босимни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун зарур шарт-шароит яратилмоқда, бунинг оқибатида кибержиноятчилик турли йўналишли ҳозирги қамровига эга бўлмоқда.

Компьютер жиноятчилигининг хавфлилиги нафақат компьютер ва бошқа мосламалардан оддий жиноятларни содир этишда фойдаланишдан, балки инфратузилманинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига боғлиқ эканлиги асослантирилган.

Мазкур параграфда турли олимлар фикрларини, ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожланиб бораётганлиги, ахборот маконидаги муносабатларнинг янги даражага ўтганлиги, ахборот хавфсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг долзарблигини инобатга олиб, ахборот соҳасидаги жиноятларга ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатларга жиддий зиён ёки моддий зарар етказадиган ёхуд уларни етказиш хавфини яратадиган ва:

1) компьютер ахбороти ва ахборот ресурсларини хавфсиз ишлаб

чиқиш, йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, қидириш, ўтказиш, тарқатиш, истеъмол қилишни;

2) ахборот-коммуникация технологиялари инфрратузилмасининг хавфсиз фаолият юритишини;

3) ахборот технологияларини, уларни таъминлаш воситаларини яратиш ва фойдаланишни;

4) компьютер ахбороти ва ахборот тизимлари, тармоқлари ва ресурсларини ҳимоя қилишни;

5) ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг муҳофазасини тартибга солувчи ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) сифатида таъриф берилган.

«Шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳаси жиноий тажовузлар объекти сифатида» деб номланган иккинчи параграфда ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларнинг турдош объектини аниқлаш зарурияти кўрсатилган.

Мазкур параграфда олимларнинг ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларнинг турдош объектини аниқлаш бўйича қарашлари таҳлил этилган. Хусусан, R.W.Hubbard, P.M.Brauti, S.K.Fenton, B.W.Reyns кибержиноятларнинг объекти сифатида шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатларни тушунишади. Бундан ташқари, уларнинг ишларида асосий урғу хусусий мулк, компьютер ахбороти, ахборот хавфсизлиги ва у билан бевосита боғлиқ кибежиноятчиликка, шунингдек ахборот технологиялари соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши курашишга берилган. МДҲ олимлари Т.М.Лопатина, Н.В.Карчевский кибержиноятларнинг объекти ЭҲМ, компьютерлар ва ахборот тизимлари хавфсизлиги, деган фикрни билдирган, бошқалар А.И.Малярова, Л.А.Прохорова, М.Л.Прохорова, В.А.Колобов, В.Н.Ясенев эса компьютер ахбороти билан боғлиқ муносабатларни тушунишади.

Илмий ҳамжамиятда ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларнинг объекти тўғрисида ягона фикр мавжуд эмаслиги, муаммонинг мураккаблиги хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида тушунчаларнинг турлича талқин этилиши билан ҳам боғлиқлиги асосланган. Масалан, Россия Федерация, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг ЖКда мазкур жиноятлар учун жавобгарлик «Компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятлар» бобида келтирилиб, мазкур боб жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар бўлимига киритилган, Арманистон ЖКда «Компьютер ахбороти хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар», Молдова ЖК «Информатика соҳасидаги жиноятлар» бобида назарда тутилган бўлса, Тожикистон Республикаси ЖК «Ахборот хавфсизлигига қарши жиноятлар» бобида берилган. Айрим мамлакатлар жиноят қонунчилигида ахборот соҳасидаги жиноятлар алоҳида бобда кўрсатилмаган. Хитой Халқ Республикаси ЖКнинг “Жамоат тартиби ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар” бобида

компьютер жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган айрим моддалар мавжуд холос. Корея Республикаси ЖКда компьютердан фойдаланиб, содир этилган фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган битта моддада, Германия ЖКда ахборот соҳасидаги жиноятлар компьютер фирибгарлиги ва компьютер саботажи учун жавобгарлик белгиланган.

Дунё ахборот маконида янги ахборот хавфлари ва таҳдидлари вужудга келаётганлиги, шахс, жамоатчилик онгига катта таъсир кўрсатаётган «ахборот урушлари» доимий равишда бўлаётганлигини инобатга олиб, ахборотнинг ўзи глобаллашув жараёнида белгилаб берувчи ва таъсир кўрсатувчи энг «қиммат» товар эканлиги изоҳланган.

Шу сабабли, муаллиф ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасига оид жиноятнинг турдош объекти ахборот хавфсизлиги ва технологиялари соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир, деб ҳисоблайди.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи *«Миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг концептуал-ҳуқуқий асослари»* деб номланиб, унда ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, хусусан Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ва бошқа қонун нормалари таҳлил этилган.

Ушбу параграфда ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга нисбатан турли ёндашувларни инобатга олиб, кўриб чиқилаётган жиноятлар: Интернет глобал тармоғидаги ахборот хавфсизлигига қарши; ахборот инфратузилмаси ва стратегик объектлар хавфсизлигига қарши; ахборот ҳужумлари ва хавфлари кўринишидаги; ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга ажратилган.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ва кибержиноятларнинг миллий хавфсизликка таҳдидини ўрганиш, ахборот хавсфизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосларнинг тизимлаштириш ва аниқлаштириш лозимлигидан далолат беради. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлиги концепцияси қабул қилиниши лозимлиги, концепцияда ахборот хавфсизлигининг ҳозирги ҳолати таҳлили асосида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва асосий муаммолари белгилаб берилиши, ахборот хавфсизлигининг объектлари, хавфларини ва уларнинг оқибатларини, хавфларни олдини олиш, тўхтатиш ва йўқ қилиш усуллари ва воситаларини, шунингдек давлат фаолиятининг турли соҳаларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатилиши кераклиги асосланган.

Ишнинг **«Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги миллий қонунчилик, халақаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигининг қиёсий таҳлили»** номли иккинчи

бобида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги таҳлили қилинган.

Мазкур бобнинг *«Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчлиги ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қиёсий таҳлили»* деб номланган биринчи параграфида халқаро ва минтақавий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Хусусан, БМТ, Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқи, МДҲ, ШҲТ, Ҳукуматлараро Африка ташкилотлари, Араб давлатлари лигасининг ҳужжатлари кўриб чиқилган.

Ахборот хавфсизлиги соҳасида хавфларнинг трансчегаравий хусусияти бошқа хавфсизлик соҳаларига кўра яққолроқ намоён бўлиб, уларга қарши самарали курашишни таъминлаш учун давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг комплекс саъй-ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талаб этилади. Мазкур хавфларга халқаро миқёсда қарши курашишда халқаро ҳуқуқ нормалари муҳим ўрин эгаллаши мумкин ва лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, халқаро ҳужжатларда ахборот тизимлари, тармоқлари ва ресурсларини ишончли муҳофазаланганлигидан келиб чиқиб, шахс, жамият ва давлат ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қўйидаги:

ахборот тизимлари ва Интернет глобал тармоғида шахснинг конституциявий (шахсий) ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига қарши курашиш;

ахборот муҳитида шахсий мулкни муҳофаза қилиш, мулкдорларнинг муаллифлик ва турдош ҳуқуқлари, товар белгиларига тажовуз қилувчи киберқароқчиликка қарши курашиш;

давлатнинг ахборот маконида салбий контентни ишлаб чиқиш, тарқатишга қарши курашиш;

ахборот-коммуникация технологиялари ва инфратузилмани салбий ташқи таъсирдан ҳимоя қилиш;

ахборот урушларига қарши курашиш;

кибертерроризмга қарши курашиш каби гуруҳларга ажратилган.

Мавзуга оид халқаро ҳужжатларни ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикасининг «Шахсий маълумотлар тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўзгартириш киритиш, хусусан муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш, айрим моддаларга жиноятларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилишини назарда тутувчи оғирлаштирувчи ҳолатнинг қўшимча сифатида киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган, кибертерроризм тушунчасига таъриф берилган.

Муаллиф ўрганилаётган соҳага оид халқаро ҳужжатларнинг аксарияти мажбурий бўлмасдан, сиёсий-тавсиявий тусга эга эканлигини, бироқ улар универсал бўлмасдан, ахборот технологиялари ривожланиши ва ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг айрим жиҳатларини қамраб олувчи қатор

қоидаларга эга эканлигини, ягона конвенцивий ёндашув ва ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги муаммонинг турлича талқин этилишига ва давлатлар томонидан амалга оширилаётган чораларнинг самарасизлигига олиб келмоқда, дейди. Жиноят қонунчилиги нормаларининг шахслар доираси ва макон бўйича амал қилиши қоидаларидаги фарқлар жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ўз вақтида қўллаш имконини бермайди, чунки ахборот соҳасидаги жиноятлар анъанавий жиноятлардан фарқ қилиб, макон бўйича чекланмайди. Шу сабабли ахборот жиноятларига қарши курашишнинг умумий принциплари, фуқаролик ва жиноий жавобгарлик масалалари, жиноий жазо муқаррар бўлган қилмишлар рўйхати, ахборот жиноятларига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари малакасини оширишнинг механизмлари, маълумотлар алмашинуви ва судда иш юритиш бўйича аниқ ишлаб чиқилган қоидаларнинг комплексини ўз ичига оладиган ягона Кибержиноятларга қарши курашиш ва глобал ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича БМТ Конвенциясини қабул қилиш лозим, деган таклиф илгари сурилган.

Иккинчи бобнинг *«Ахборот хавфсизлигини таъминловчи миллий ва хорижий қонун нормаларининг жиноят-ҳуқуқий таҳлили ва уларни такомиллаштириш йўллари»* номли иккинчи параграфида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи хорижий мамлакатларнинг жиноят қонуни нормалари таҳлил қилинган.

Ахборот жиноятлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган хорижий мамлакатлар қонунчлиги таҳлили ҳам жиноят ҳисобланадиган қилмишлар доирасида, ҳам ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг, шунингдек ахборот ва ахборот-коммуникация технологиялари жиддий таъсир кўрсатадиган бошқа муносабатларнинг моддий қонунлар томонидан муҳофаза қилинишида сезиларли фарқлар мавжудлигидан далолат беради. Хорижий мамлакатлар ЖКдаги ахборот жиноятларининг кўриб чиқилган таркиблари таҳлили натижасида кўплаб хорижий мамлакатлар ЖКларида Ўзбекистон Республикаси ЖКдан фарқли равишда ахборот соҳасидаги жиноятларнинг кенгроқ доираси учун жавобгарлик белгиланган. Шу билан бирга, хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигидан фарқли ўлароқ Ўзбекистон Республикаси ЖК ютуқли томони сифатида унда кўплаб хорижий мамлакатлар Кодексларида назарда тутилмаган моддаларнинг мавжудлиги (компьютер воситалари ёрдамида ўзлаштириш ёки растрата қилиш, рақобатчини обрўсизлантириш ва ҳ.к. кўрсатилган). Аммо Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилмаган ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноят таркиблари жуда кўп бўлиб, бунинг оқибатида Ўзбекистон Республикаси ЖК ривожланган мамлакатларда апробациядан ўтган ва мувафаққиятли қўлланилаётган хорижий тажрибадан келиб чиқиб, тегишли нормалар билан тўлдирилиши лозимлиги ҳақида таклифлар асослантирилган.

Иккинчи бобнинг *«Кибержиноятларга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликка»* бағишланган учинчи параграфида ахборот

технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши кураршиш бўйича миллий институтлартанқидий таҳлил қилиниб, барча мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш ва уйғунлаштириш масалалари бўйича ўзларининг ёндашувлари, дунёқарашларини ўзгартиришлари лозимлиги асослантирилган.

Параграф доирасида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг муаммоли масалалари сифатида ҳудудийлик, давлат суверенитети масалалари, кибержиноятларнинг трансчегаравий хусусиятга эга эканлиги кўрсатилган.

ШҲТ, ЕИ ва бошқа минтақавий ташкилотларга аъзо мамлакатлар ўртасида кибержиноятчилик ҳолати ва у бўйича ахборот алмашинувини таҳлил қилиш, миллий даражада амалга оширилган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган ва тезкор чора-тадбирларни баҳолаш, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд ва прокуратура органлари ходимларини махсус тайёргарликдан ўтказиш мақсадида Интерпол доирасида кибержиноятларга қарши курашиш бўйича глобал мувофиқлаштирувчи марказни ташкил этиш лозимлиги асослантирилган. Мазкур Марказнинг ташкил этилиши маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш, Интерполга аъзо мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тегишли бўлинмаларига ахборот, техник ва криминалистик ёрдам кўрсатиш, ўзаро текширувлари амалга ошириш, шунингдек. мутахассисларни тайёрлаш имконини яратади. Марказ зарур тадқиқотлар ўтказишга ва дастурий таъминот яратишга кўмаклашиши, мавжуд ва вужудга келиши мумкин бўлган хавфларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, истиқболни белгилаш ва барвақт огоҳлантиришлар билан шуғулланиши мумкин.

«Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш» деб номланган учинчи бобнинг биринчи параграфи *«Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларнинг криминологик тавсифи»*га бағишланган бўлиб, унда миллий криминология фанида шу кунга қадар кибержиноятларнинг ортиб бориши ҳолатига лозим даражада эътибор берилмаётганлиги, замонавий хавф ва таҳдидларни инобатга олиб, таҳлил этилаётган жиноятларнинг криминологик тавсифи бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарли эмаслиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси юридик олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган криминология бўйича дарсликлар таҳлили ҳам, афсуски, мазкур муаммога эътибор берилмаётганлини кўрсатди. Мазкур ҳолат бўлажак юристларга ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги криминоген ҳолатни аниқ ва объектив тарзда етказиш имконини бермайди.

Ушбу параграфда ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар криминологик тавсифининг асосий жиҳатлари сифатида ахборот хавфларининг ижтимоий хавфлилиги юқорилиги, трансчегаравий хусусиятга эга эканлиги, стратегик инфратузилманинг муҳим элементи сифатида ахборот-технологик тизимнинг заифлиги, мавжуд қонунчилик тузилишининг

етарли самара бермаётганлиги ва сиёсий институтларнинг мукаммал эмаслиги, профессионал ходимлар мавжуд эмаслиги ва инсон омили кўрсатилган.

Диссертант ахборот жиноятлари сифат кўрсаткичлари ўзгаришининг асосий тенденциялари сифатида: ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятчиларнинг уюшганлиги ва профессоналлигининг янада ортиши, ушбу жиноятларни содир этиш ва жиноят изларини яшириш усулларининг мураккаблашиши, жиноий элементлар томонидан ўзларининг хорижий шериклардан янги «ютуқларни» ўзлаштириши (жиноий байналминалликнинг ортиши), латентлик даражаси юқорилигининг сақланиб қолиши, вояга етмаган жиноятчилар улушининг ортиши,ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар ижтимоий хавфининг ошиб бориши,айрим ахборот жиноятларининг сиёсий йўналтирилганлиги ва мотивларининг чуқурлашишини кўрсатган.

Учинчи бобнинг *«Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларни содир этган жиноятчининг шахси»* деб номланган иккинчи параграфида кибержиноятчи шахсини тавсифловчи турли кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

Унда ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар латентлигининг ниҳоятда юқорилиги сабабли расмий статистикада ахборот технологиялари ёрдамида жиноят содир этган шахсларнинг криминологик тавсифигаоид тегишли маълумотларни олиш имкони йўқлиги таъкидланган.

Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятчиларнинг криминологик тавсифида ахборот-коммуникация маконида ҳуқуқбузарнинг шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади деган фикр илгари сурилган:

1) шахснинг тўғма психологик хусусиятлари, инсоннинг ғайриқонуний ҳаракатларни амалга оширишга ундайдиган психологик жиҳатлари. Бунда ёши ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш қобилиятига кўра қуйидаги шахс турлари фарқланади:

«Тажрибасиз» шахслар ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этади ва турли ахборот технологияларидан (шахсий компьютер, ноутбук) шахсий истеъмол мақсадларида, яъни мусиқа, ўйин ёки иловалар тортиш учун фойдаланиши билан тавсифланади. Улар 15-25 ёшдаги ўсмир ва ёшлар ҳисобланади, кўпчилиги эркаклар, ўрта, ўрта махсус ёки олий маълумотлилар.

«Ҳаваскор» шахслар компьютер тармоқларида вақти-вақти билан жиноят содир этадилар, кўп ҳолатларда – техник ходимлар (тизимли администраторлар, техник маслаҳатчилар) бўлиб, эркак жинсидаги (кам ҳолатларда аёллар) 20-30 ёшдаги шахслардир. «Ҳаваскор»лар «тажрибасиз» шахс сифатидаги ўтмишдаги билимлари ёки ҳаётий ҳолатлар (топшириқ ва «буюртмалар»ни бажариш) туфайли шаклланади.

«Профессионал»ларга ғайриқонуний ишларни касб қилиб олганлар киради. Улар ўқимишли бўлиб, компьютер дастурлари ва техник соҳа бўйича барча билим ва кўникмаларга эга, 25-40 ёшдаги, кўп ҳолатларда эркаклардир.

Шахснинг криминологик тавсифида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларни содир этган ёши муҳим аҳамият касб этади. Интернет тармоғи фойдаланувчиларининг аксарияти ёшлар эканлигини инобатга олиб, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик масаласи долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКда субъект ёши 13 дан 18 ёшгача бўлиб, умумий субъект ёши 16 ёш белгиланган. Англияда 8, Грецияда 13, Швецияда 15, Финляндияда 16, Миср, Ливан, Ироқ ва АҚШда 7, Исроилда 9, Эрон, Туркияда 11 ёшдан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ёшларнинг ахборот-коммуникация маконига кенг жалб қилинганлиги, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни ўсмир-ёшлар томонидан содир этилаётганлигини инобатга олиб, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ёшини 14 ёш, деб белгилаш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Шунингдек, болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи салбий ахборотнинг тарқатилиш хавфи, Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг бажарилишини инобатга олиб, болаларни уларни соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш зарурлиги кўрсатилган.

Жиноятчиликнинг олдини олиш чораси сифатида ёш хакерларни давлат, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига кенг жалб қилиш республикада криминоген ҳолатга ижобий таъсир кўрсатиши асослантирилган.

2. Техник ноу-хау – дастурий таъминот ва тажовузкорлар томонидан кибержиноятларни содир этишда қўлланиладиган махсус, «жосус» қурилмаларни техник билиш даражаси билан боғлиқ омил.

Ушбу параграфда «хакер»да жиноятга мақсадли ва олдиндан ўйланган тайёргарликнинг мавжудлиги, жиноятни содир этиш усулларининг ўзига хослиги, жиноят содир этиш қуроли сифатида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, жиноятни яшириш учун тегишли чоралар кўрмаслик, асоссиз безорлик ҳолатлари намоён бўлиши каби жиҳатлари ёритилган.

3. Ижтимоий хусусиятлар – шахсда жиноий ҳулқ-атвор шаклланишига ижтимоий муҳитнинг таъсири билан боғлиқ омил. Тадқиқот жараёнида ўрганилган шахсларнинг характери ёпиқ, асабий, шасхий кечинмаларга берилишга мойил, таъсирчан эканликлари аниқланган. Уларнинг мактабдаги муваффақиятлари аъло бўлмаган, бироқ информатика асослари ва математика фанларини яхши ўзлаштирган. Кўп ҳолатларда улар мураккаб психологик муҳит ҳукмрон бўлган тўлиқ бўлмаган оилада яшашган. Кибержиноятчилар ҳуқуқий нигилизм ва ўзларига юқори баҳо беришлари билан фарқланиб, кўп ҳолатларда ўзларининг жазога тортилмаслиги ва заиф эмаслигини ҳис этган ҳолда қонун нормаларига риоя этмайдилар ва ўзларининг шахсий тушунчаларидан келиб чиқиб, у ёки бу ҳуқуқий нормаларнинг адолатлилиги

ва тўғрилигини мустақил аниқлашга ҳақли, деб ҳисоблайдилар. Аксарият ҳолатларда улар инфантилизм, масъулиятсизлик, муросасизлик, ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушунмасликни намоён этиб, жамоатчилик фикри ва манфаатларини писанд қилмайдилар.

4. Рағбатлантирувчи омиллар – кибержиноятларни содир этишга сабаб бўлувчи, уни содир этишга ундовчи омиллар. Тадқиқотда тамагирлик, ҳиссиётлар, жинсий омил, сиёсий ва диний қарашлар, «кўнгилхушлик учун» (безорилик) рағбатлантирувчи омиллар сифатида асослантирилган.

Учинчи бобнинг *«Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чоралари»* номли учинчи параграфида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар сони, жиноий фаолияти янада мураккаб, латент ва трансмиллий бўлишида, кибержиноятларни содир этишда турли уюшган гуруҳлар иштироки тобора ортиб бораётган бўлсада, халқаро ҳамкорлик ёки қонунни қўллашда суд томонидан жавобгарликка тортилганлар камлиги кўрсатилган.

Кибержиноятларга қарши курашиш мураккаблигининг сабаби инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳалари рақамлаштирилганлиги ва ахборотлаштирилганлиги, аҳолининг аксарият қисмида мавжуд бўлган ахборот-коммуникация технологияларининг яхши ҳимоя қилинмаганлиги, кибержиноятчиликнинг кенг кўламлилиги, компьютер жиноятчилигининг “портлаши” муқаррарлиги, замонавий ахборот технологияларини киритиш ва қўллаш ҳисобланади.

Ушбу параграфда ўрганилаётган жиноятларга қарши курашишнинг қуйидаги чораларитаклиф этилган:

1) Ҳуқуқий чоралар. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик базасини «Конфиденциал ахборотни давлат томонидан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида»ги, «Шахсий маълумотлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида Интернет халқаро тармоғини давлат томонидан тартибга солишнинг принциплари ва шакллари тўғрисида»ги, «Халқаро ахборот алмашинуви тўғрисида»ги, «Ахборот-технологик мослама ва телекоммуникация воситаларини сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда олий юридик кучга эга бўлган ва мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар билан тўлдирилиши лозимлиги изоҳланган. Шунингдек, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда экспертиза тайинлаш мажбурий эканлиги, ахборот соҳасидаги жиноятларга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари қўлламаслиги мумкинлиги назарда тутиш лозимлиги таъкидланган;

2) Ижтимоий чоралар. Ҳозирга вақтда киберҳужумлар нафақат моддий, балки инсонлар, айниқса ёшларнинг онгига таъсир кўрсатувчи энг хавфли таҳдид ҳисобланади. Шунинг учун ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни салбий ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўрилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва киберхавфсизлик соҳасида зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган истеъдодли ва креатив фикрловчи ёшларни йиғиб, мунозаралар олиб бориш ва кадрларни танлаш учун кўргазмали майдон ҳисобланувчи «Ёш дастурчи-ватанпарварлар клуби»ни ташкил этиш зарурати асослантирилган. Мазкур клубни Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда, мутахассис, эксперт ва таҳлилчиларни жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи ҳузурида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур клубни ташкил этиш ёшлар билан очиқ мулоқотнинг яққол намунаси, ахборот ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларни содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш бўйича профилактик марказ бўлиб, ёшларни ватанпарварлик, қонунга ҳурмат ва ривожланган давлат ва ахборот жамиятини қуришга ҳиссадорлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади;

3) Ташкилий-техник чоралар ахборот-ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг функционал фаолияти ва ўзаро муносабатларини тартибга солувчи чора-тадбирлар комплекси ҳисобланиб, ушбу чоралар конфиденциал ахборотни эгаллашни истисно қилиш ёки сезиларли даражада қийинлаштиришга қаратилган. Ташкилий чоралар ахборот ресурслари билан ишлаш тартибини белгиловчи ички низомлар, йўриқнома ва кўрсатмаларда тартибга солиниши керак.

Кибержиноятларга қарши курашиш бўйича махсус бўлинма – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати ҳузурида кибержиноятларга қарши курашиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича марказ ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги салбий ҳодисаларга қарши курашишга ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Хусусан, текширув ва тадқиқот ишларини амалга ошириш, шунингдек ахборот хавфсизлиги соҳасида ҳимоя воситаларини тестдан ўтказиш мақсадида Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази ҳузурида махсус лабораторияни яратилиши зарур, мазкур лаборатория компьютер вируслари, зарарли дастурлар, ноқонуний фойдаланиш ва бошқалардан муҳофаза қилишнинг янги воситаларни синовдан ўтказиш бўйича ўзига хос «полигон» функциясини амалга оширади;

4) Сиёсий чоралар. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш давлатдан ишончли ва чуқур ўйланган сиёсатнинг амалга оширилишини тақозо этади, бу эса ахборот хавфсизлиги соҳасида давлат сиёсатининг асосларини тизимлаштирилиши ва аниқлаштирилишини талаб этади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Ахборот хавфсизлиги концепциясини қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Ахборот хавфсизлиги концепциясида ахборот хавфсизлигининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг

мақсади, вазифалари ва асосий муаммолари белгилаб берилиши лозим.

Диссертациянинг **«Шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид жиноят қонунчилигини такомиллаштириш»** деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистон Республикаси ЖКни такомиллаштириш истиқболлари таҳлил этилган.

Мазкур бобнинг *«Ахборот хавфларига қарши курашиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий чоралар комплекси»* номли биринчи параграфида ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликни таъминлаш тизимида биринчи ўринга чиқаётганлиги, мазкур соҳада ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган. Унда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси қонун нормалари таҳлил қилинган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияга мувофиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга оид Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига замонавий, ҳаётий воқеликка жавоб берадиган «ахборот хавфсизлиги» ва «ахборотни муҳофаза этиш» тушунчаларини киритиш, Қонунга янги «ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи хавфлар» тушунчаси, шахсни ғайриқонунний ахборот таъсиридан муҳофаза қилишга оид янги модда билан тўлдириш асослантирилган.

«Давлатнинг ахборот хавфсизлигини, ахборот тизимлари ва ресурслари муҳофазасини таъминлаш жиҳатидан жиноят қонунчилигини такомиллаштириш» номли иккинчи параграфида халқаро ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан белгиланган вазифаларни, миллий манфаатларни инобатга олиб, ЖК нормаларини қайта кўриб чиқиш ва уни такомиллаштириш зарурияти асосланган.

Ишда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш қуйидаги қоидалар асосида амалга оширилиши лозимлиги асосланган:

- ЖК Умумий қисмига янги жиноят-ҳуқуқий нормаларни киритиш;
- ЖК Махсус қисмига ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектларини етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминловчи ҳуқуқий қоидаларни (замонавий тенденциялар, жиноятларни содир этиш шакллари хилма хиллиги ҳамда янги ва турли талқиндаги ахборот хавфларининг серқирралигини инобатга олиб) киритиш;
- ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган ЖК алоҳида боби негизида уч бобдан иборат янги бўлимни киритиш орқали тубдан қайта кўриб чиқиш;
- МЖтКда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик

белгилаш мақсадга мувофиқ, чунки келгусида жиноий жазога лойиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш хавфи мавжуддир.

Тадқиқот натижасида ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси ЖК, ЖПК ва МЖтКга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, тадқиқот мавзусигаоид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурияти асослантирилган.

ХУЛОСА

Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштиришни ўрганиш ва қуйилган вазифаларни бажариш натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар шакллантирилган:

1. Ахборот соҳасидаги жиноятларга *қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги ижтимоий муносабатларга жиддий зиён ёки моддий зарар етказадиган ёхуд уларни етказиш хавфини туғдирган, компьютер ахбороти ва ахборот ресурсларини хавфсиз ишлаб чиқиш, йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, қидириш, ўтказиш, тарқатиш, улардан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологиялари инфрратузилмасини хавфсиз фаолият юритиши, ахборот технологияларини, уларни таъминлаш воситаларини яратиш ва фойдаланиш, компьютер ахбороти ва ахборот тизимлари, тармоқлари ва ресурсларини ҳимоя қилиш, ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари муҳофазасига таҳдид қилувчи ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)* деб таъриф берилган.

2. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларнинг **турдош объекти** *ахборот хавфсизлиги ва технологиялари соҳасидаги шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.*

3. Ахборот соҳасидаги муносабатларнинг ривожланиши ва уларнинг жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилинишининг таъминланиши уч босқичга ажратилган:

1) *Компьютер соҳасидаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигини англаш босқичи* XX асрнинг 70-90 йилларини ўз ичига олиб,компьютер жиноятчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, айнан компьютерлардан бошқа жиноятларни, қоида тариқасида фирибгарлик ва маблағларни талон-торож қилишни қилганликнинг расмий қайд этилган ҳолатлари, компьютер инфратузилмасининг босқичма-босқич ривожланиши, ғайриқононуний фойдаланиш, компьютер саботажи каби компьютер жиноятларини (жиноий

гуруҳларга фаол жалб қилинмаган ҳолда) содир этган хакер, кракер ва бошқа шахсларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади.

2) *Интернет глобал тармоғида жиноятларнинг кўпайиш босқичи* (XX аср охири – тахминан 2010 йилга қадар) компьютер жиноячилигининг глобаллашуви ва «халқаро кўламга эга бўлиши», мазкур жиноятчиликнинг глобал хавф (кибержиноячилик) сифатида тан олиниши, ахборот хавфсизлигига қарши таҳдидларнинг кучайиб бориши ва янги хавфларни вужудга келиши, шиддатли технологик ривожланиш, янги ахборот-коммуникация тизимлари ва инфратузилманинг, кибержиноятларнинг халқаро миқёсда содир этилишига имкон яратувчи «виртуал макон»нинг вужудга келиши, хакерлик ҳамжамиятларининг фаол жадаллашуви, уларнинг жиноий тармоқларга кенг жалб қилиниши билан тавсифланади.

3) *Замонавий босқич – кибержиноятларнинг давлатлараро, миллатлараро ва тузилмалараро курашишнинг кучли тизимли воситаси айланган ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга ўзгариши (2010 йилдан ҳозирги кунга қадар)* бўлиб, бу давр нафақат шахс, жамият ва давлатга, балки умуман инсониятга хавф соладиган, ахборот таҳдидларининг мутлақ янги тури ҳисобланадиган ахборот ҳужумларининг кучайиши билан ифодаланади. Интернет глобал тармоғининг таъсири ва имкониятлари кўп ҳолатларда тартибга солинмайдиган бош-бошдоқликка, минтақавий уришлар ва қуролли можароларга, сиёсий тузумларнинг ўзгаришига, халқаро террористик ташкилотларнинг давлат институтларига айланишига, вазиятнинг халқаро ҳамжамият, давлат ва трансмиллий корпорацияларнинг назоратидан чиқиб кетишига, ўз вақтида таъсир кўрсатиш чораси сифатида қабул қилинган ва қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётдан ортда қолишига сабаб бўлмоқда.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборот технологияларига соҳасидаги муносабатларни муҳофаза қилишга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг ривожланиш тарихи ва тенденциялари шартли равишда уч босқичга бўлинган:

1) Мазкур босқич мустақилликка эришилгандан (1991 йил) Ўзбекистон Республикаси ЖК қабул қилингунча (1994 йил) вақтга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур босқичнинг ўзига хослиги шундаки, бу даврда ахборотлаштириш масалалари ва ахборот технологиялари соҳасидаги муносабатларни умумий жиҳатдан тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинди (мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонуни), Ўзбекистон 1996 йилда Интернет халқаро тармоғига кирган.

2) Ушбу босқич 1994-2007 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда ахборотлаштириш қоидаларини бузганлик, компьютер техникаси воситалари ёрдамида содир этилган ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата йўли талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган Ўзбекистон Республикаси ЖК, шунингдек ахборот технологиялари соҳасидаги умумий

қонунлар – «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди. Ахборотлаштиришнинг табиати аниқланиб, ушбу жараённи ҳимоя қилиш механизми ишлаб чиқилди, зарур ҳуқуқий асос яратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФК қабул қилиниб, ашё сифатида ахборотнинг юридик табиати аниқланди.

3) Мазкур босқич 2007 йилдан ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади. Ахборотлаштириш ва компьютерлаштиришнинг мазкур даврида ахборот технологиялари соҳасидаги муносабатларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш механизми такомиллаштирилди. Айрим хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини инобатга олиб, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг янги таркибини назарда тутувчи янги XX[1]-боби киритилди.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигига тажовуз қилувчи янги ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш зарурати мавжудлиги асослантирилди.

5. Кибержиноятларга қарши курашиш бўйича хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида миллий қонунчиликда қатор бўшлиқлар, зиддиятлар ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 130-(«Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш»), 130[1]- («Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш») 139- («Туҳмат»), 140- («Ҳақорат қилиш»), 141[1]- («Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш»), 156- («Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш»), 158- («Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш”), 159- («Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш»), 170-моддаларида («Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш») *«оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация ва ахборот-коммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса»* каби оғирлаштирувчи ҳолатни назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси ЖК 149-моддасини қуйидаги таҳрирдаги: «*Муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланган компьютер дастурларидан, ёки ахборот-коммуникация технологиялари учун дастурлардан ғайриқонуний равишда фойдаланиш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда муаллифликни ўзлаштириш*» деган иккинчи қисм билан тўлдирилиши лозим.

6. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, содир этилаётган жиноятлар сонининг ортиб бораётганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддасига қуйидаги таҳрирдаги оғирлаштирувчи ҳолатни киритиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган:

«оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация ва ахборот-коммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет тармоғидан фойдаланиб».

7. Ёшларнинг ахборот-коммуникация маконига кенг жалб қилинганлиги, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг вояга етмаганлар

томонидан содир этилаётганлигини инобатга олиб, **ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ёшини 14 ёшгача камайтириш** лозимлиги асослантирилган.

8. Жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ЖК 64-моддасини қуйидаги таҳрирдаги: *«Алоҳида ҳолларда суднинг қарорига асосанжавобгарликка тортиш муддатлари ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги мумкин»,* деган саккизинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

9. Кибержиноятларнинг тез фош этилиши ва сифатли тергов қилинишини таъминлаш мақсадида диссертант ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар содир этилганида экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши мажбурийлигини таъминлаш мақсадида ЖПК 173-моддасини қуйидаги таҳрирдаги ўнинчи банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

«ахборот тизимлари, тармоқлари ва ресурслари фаолияти бузилганлиги белгиларини, шунингдек компьютер ахбороти билан ғайриқонуний ҳаракатлар хусусияти ва ушбу ҳаракатлар амалга оширилганлигини кўрсатувчи ҳолатларни».

10. Янги вужудга келаётган ижтимоий муносабатларни жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиш зарурияти мавжудлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКга болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун нормаларини бузганлик, Интернет тармоғида ахборот жойлаштириш талабларини бузиш, давлат сирини ташкил этувчи компьютер ахборотидан ғайриқонуний равишда фойдаланиш, электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларини бузиш учун жавобгарликни назарда тутувчи қатор янги моддаларни киритиш таклиф этилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси МЖтКга болалар орасида уларнинг соғлиғига зарар етказувчи маҳсулотни қасддан тарқатиш, электрон тижоратни амалга ошириш қоидаларини бузиш, электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, Интернет тармоғида ахборот жойлаштириш талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш лозимлиги таклиф этилган.

11. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар таснифидан келиб чиқиб, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» номли XX[1]-боби негизида:

1) «Ахборот хавфсизлигига қарши жиноятлар» номли XX[1];

2) «Стратегик ахборот инфратузилмаси хавфсизлигига қарши жиноятлар» номли XX[2];

3) «Телекоммуникация ва алоқа соҳасидаги жиноятлар» номли XX[3]-боблардан иборат «Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги, телекоммуникация ва алоқа воситалари соҳасидаги жиноятлар» деб номланувчи еттинчи бўлимни киритиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган:

12. Ахборот таҳдидлари ва хавфларига қарши курашишда ахборот

хавфсизлиги соҳасида концептуал норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли **Ўзбекистон Республикаси Ахборот хавфсизлиги концепцияси** лойиҳаси ишлаб чиқилган.

13. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий чоралар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга оид давлат сиёсатидан келиб чиқиши лозим. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифалардан келиб чиқиб, **киберхавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини** ишлаб чиқиш таклиф этилган**.**

14. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларни содир этган шахсларга криминологик тавсиф беришда уларнинг ҳулқ-атвори шаклланишига таъсир кўрсатувчи тўртта омил: шахснинг хусусиятлари, техник ноу-хау, ижтимоий хусусиятлар, рағбатлантирувчи омилларга эътибор берилиши лозимлиги кўрсатилган.

15. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятлар криминологик тавсифининг асосий жиҳатлари сифатида уларининг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилиги, трансчегаравий хусусиятга эга эканлиги, стратегик инфратузилманинг муҳим элементи сифатида ахборот-технологик тизимнинг заифлиги, мавжуд қонун нормаларининг етарли самара бермаётганлиги ва сиёсий институтларнинг мукаммал эмаслиги, ходимлар профессионаллик даражаси пастлиги ва инсон омили кўрсатилган.

Шулардан келиб чиқиб, ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий-техник чоралар комплексини қўллаш зарурияти мавжудлиги кўрсатилган.

16. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги салбий ҳодисаларга қарши курашишга ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Хусусан, текширув ва тадқиқот ишларини амалга ошириш, шунингдек ахборот хавфсизлиги соҳасида ҳимоя воситаларини тестдан ўтказиш мақсадида Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази ҳузурида **махсус лаборатория** ташкил этилиши зарур (у компьютер вируслари, зарарли дастурлар, ноқонуний фойдаланиш ва бошқалардан муҳофаза қилишнинг янги воситаларни синовдан ўтказиш бўйича ўзига хос «полигон» функциясини амалга оширади).

17. Ахборот-коммуникация технологиялари ва киберхавфсизлик соҳасида зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган истеъдодли ва креатив фикрловчи ёшларни йиғиб, мунозаралар олиб бориш ва кадрларни танлаш учун кўргазмали майдон ҳисобланувчи «Ёш дастурчи-ватанпарварлар клуби»ни ташкил этиш зарурати асослантирилган. Мазкур клубни Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда, мутахассис, эксперт

ва таҳлилчиларни жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи ҳузурида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур клубни ташкил этиш ёшлар билан очиқ мулоқотнинг яққол намунаси, ахборот ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларни содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш бўйича профилактик марказ бўлиб, ёшларни ватанпарварлик, қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

18. ахборот жиноятларига қарши курашишнинг умумий принциплари, фуқаролик ва жиноий жавобгарлик масалалари, жиноий жазо муқаррар бўлган қилмишлар рўйхати, ахборот жиноятларига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари малакасини оширишнинг механизмлари, маълумотлар алмашинуви ва судда иш юритиш бўйича аниқ ишлаб чиқилган қоидаларнинг комплексини ўз ичига оладиган ягона **Кибержиноятларга қарши курашиш ва глобал ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича БМТ Конвенциясини** қабул қилиш лозим, деган таклиф илгари сурилган.

19. ШҲТ, ЕИ ва бошқа минтақавий ташкилотларга аъзо мамлакатлар ўртасида кибержиноятчилик ҳолати ва у бўйича ахборот алмашинувини таҳлил қилиш, миллий даражада амалга оширилган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган ва тезкор чора-тадбирларни баҳолаш, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд ва прокуратура органлари ходимларини махсус тайёргарликдан ўтказиш мақсадида Интерпол доирасида **кибержиноятларга қарши курашиш бўйича глобал мувофиқлаштирувчи марказни** ташкил этиш лозимлиги асослантирилган. Мазкур Марказнинг ташкил этилиши маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш, Интерполга аъзо мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тегишли бўлинмаларига ахборот, техник ва криминалистик ёрдам кўрсатиш, ўзаро текширувлари амалга ошириш, шунингдек. мутахассисларни тайёрлаш имконини яратади. Марказ зарур тадқиқотлар ўтказишга ва дастурий таъминот яратишга кўмаклашиши, мавжуд ва вужудга келиши мумкин бўлган хавфларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, истиқболни белгилаш ва барвақт огоҳлантиришлар билан шуғулланиши мумкин.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.27.06.2017.Yu.25.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

РАСУЛЕВ АБДУЛАЗИЗ КАРИМОВИЧ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УГОЛОВНО-ПРАВОВЫХ И КРИМИНОЛОГИЧЕСКИХ МЕР БОРЬБЫ С ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И БЕЗОПАСНОСТИ

12.00.08 – Уголовное право, предупреждение правонарушений. Криминология. Уголовно-исполнительное право).

АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ ПО ЮРИДИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2018

Тема докторской (DSc) диссертации была зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.2.DSc/Yu40.

Диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.akadmvd.uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Абдурасулова Кумриниса Раимкуловна** доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Зуфаров Рустам Ахмедович** доктор юридических наук, профессор
	Мирзаев Азиз Алишерович доктор юридических наук, доцент
	Махкамов Отабек Мухтарович доктор юридических наук
Ведущая организация:	**Институт проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «___» июля 2018 года на заседании Научного совета № DSc.27.06.2017.Yu.22.01 по присуждению ученых степеней при Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Адрес: 100197, город Ташкент, улица Интизор, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан (зарегистрирована под №____). (Адрес: 100197, город Ташкент, улица Интизор, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52).

Автореферат диссертации разослан «___» июля 2018 года
(протокол реестра №___ от «___» июля 2018 года).

У.Х. Мухамедов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

И.Ю. Фазилов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, доцент

А.Г. Закирова
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Сегодня на международной арене проблема борьбы с преступностью в сфере информационных технологий и безопасности приобретает все более глобальное значение. В частности, Генеральной Ассамблеей ООН, Советом Европы, ШОС, СНГ, Лигой арабских государств и иными организациями были приняты специальные акты, касающихся информационно-коммуникационных технологий, противодействию и профилактике преступного использования информационных технологий, предупреждению преступности в данной сфере на региональном и международном уровне. Согласно статистическим данным на сегодняшний день подвижными сетями электросвязи было охвачено около 7 млрд. человек (95 % мирового населения)[1], размер ущерба от киберпреступности составляет 1 % ВВП мира в год[2].

В мире обеспечение информационной безопасности, противодействие киберпреступности, изучение криминологической характеристики преступлений в сфере информационных технологий и лиц, их совершивших, актуальность повышения эффективности международного сотрудничества требуют проведения глубоких исследований по рассматриваемой теме. Особое значение приобретает обеспечение защиты отношений в сфере информационных технологий и информационной безопасности от преступных посягательства, предупреждение преступлений в сфере информационных технологий и информационной безопасности, поиск научно-теоретических и практических решений уголовно-правовых проблем, имеющихся в национальном законодательстве, устанавливающем ответственность за подобные преступления, и правоприменительной практике.

В нашей республике осуществляются программные меры в целях правового обеспечения информационной безопасности, предупреждения и борьбы с правонарушениями и преступлениями в сфере информационных технологий. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах предусмотрены вопросы «совершенствования уголовного законодательства, совершенствование системы обеспечения информационной безопасности и защиты информации, своевременное и адекватное противодействие угрозам в информационной сфере»[3]. В этой связи установление ответственности за распространение информации, представляющей угрозу правам и свободам личности, интересам общества и государства, охрана информационной безопасности в качестве объекта уголовно-правовой охраны, разработка комплекса мер по противодействию информационным преступлениям являются актуальными

[1] http://www.itu.int/net/pressoffice/press_releases/2016/pdf/30-ru.pdf
[2] http://www.statista.com/ (The Statistics Portal).
[3]Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП–4947 «О Стратегии действий по дальнейшему равзитию Республики Узбекистан» // www.lex.uz.

задачами.

Диссертационное исследование послужит комплексной реализации задач, предусмотренных в Уголовном кодексе (1994), Законах Республики Узбекистан от 29 августа 1997 года № 467–I «Об утверждении Концепции национальной безопасности Республики Узбекистан», от 11 мая 2003 года № 560–II «Об информатизации», от 14 мая 2014 года № ЗРУ–371 «О профилактике правонарушений», Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП–4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлении Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года № ПП–3723 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» и иных отраслевых актах законодательства.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и техники республики. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации[1]. Комплексное изучение и прикладные научные исследования касательно совершенствования уголовно-правовых и криминологических мер борьбы с преступлениями в сфере информационных технологий и безопасности проводятся в ведущих научно-аналитических центрах и высших образовательных учреждениях, в том числе, University of Alabama (США), Faculty of Law, University of Turku (Финляндия), Chaitanya Bharathi Institute of Technology, Osmania University, Hyderabad (Индия), Environment and E-Application Department, ITU Telecommunication Development Bureau (Швейцария), Department of Political Science at Tel Aviv University (Израиль), Институте проблем информационной безопасности МГУ имени М.В. Ломоносова (Российская Федерация), Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан, Центре информационной безопасности и содействия в обеспечении общественного порядка при Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан, Ташкентском университете информационных технологий (Узбекистан).

В ходе научных исследований и изучений получены следующие научные результаты: разработана система мер улучшения деятельности правоохранительных органов в борьбе с киберпреступностью (University of Alabama, США); на основе комплексного подхода исследованы международные механизмы борьбы с киберпреступностью посредством повышения унификации и гармонизации правовых систем (Faculty of Law, University of Turku, Финляндия); раскрыты факторы, негативно влияющие на

[1] Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации освещен на основе следующих источников: www.scholarsstrategynetwork.org, www.webology.org, www.itu.int, www.unodc.org, www.inss.org.il, www.crs.gov.

состояние защищенности информационной инфраструктуры от киберугроз – небрежность пользователей, недостаточность знаний в сфере информационных технологий, слабый правовой механизм обеспечения ответственности лиц, совершивших правонарушение, а также проведены прогностические исследования тенденций обеспечения кибербезопасности с учетом развития ИКТ (Chaitanya Bharathi Institute of Technology, Osmania University, Hyderabad, Индия); исследован комплекс теоретических и правовых проблем и мер ответственности за преступные деяния в сфере информационных технологий (Environment and E-Application Department, ITU Telecommunication Development Bureau, Швейцария, Санкт-Петербургский университет Министерства внутренних дел Российской Федерации); рассмотрены факторы обеспечения национальной безопасности в аспекте борьбы с киберпреступностью (Department of Political Science at Tel Aviv University, Израиль), исследованы проблемы борьбы с киберпреступностью, компьютерным терроризмом и использованием информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в межгосударственных конфликтах (Институт проблем информационной безопасности МГУ имени М.В.Ломоносова, Российская Федерация); изучены вопросы совершенствования уголовно-правовых и криминологических мер борьбы с преступлениями в сфере информационных технологий и безопасности (Академия Министерства внутренних дел Республики Узбекистан), на системной основе осуществляются практические исследования в рамках реализации программы «Безопасный город» (Центр информационной безопасности и содействия в обеспечении общественного порядка при Министерстве по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан), разработана система программно-технических устройств и моделей, криптографических мер и способов обеспечения защиты информации (Ташкентский университет информационных технологий, Узбекистан).

В мире проводится ряд исследований по повышению эффективности борьбы с преступлениями в сфере информационных технологий и информационной безопасности, в частности, в следующих приоритетных направлениях: обеспечение принципа неотвратимости ответственности за киберпреступления в сфере экономики путем раскрытия их юридической природы; совершенствование уголовного законодательства путем установления ответственности за незаконный доступ к компьютерной информации, содержащей сведения, составляющие государственные секреты, нарушение правил размещения персональных данных в сети Интернет в целях охраны информационной безопасности; совершенствование квалификации расссматриваемых преступлений в целях защиты личности от негативного информационного воздействия; разработка эффективного и действенного механизма раннего предупреждения преступлений в сфере информационных технологий и информационной безопасности на основе изучения криминологической характеристики личности преступника; усиление международного сотрудничества по

противодействию киберпреступности.

Степень изученности проблемы. Уголовно-правовые и криминологические исследования преступлений в сфере информационных технологий и безопасности являются новым направлением не только национальной, но и мировой уголовно-правовой науки. В нашей стране были исследованы общие правовые аспекты уголовно-правовых и криминологических (Е.С.Абдурахманов, Р.Кабулов, М.Х.Рустамбаев, К.Р.Абдурасулова, М.Собиров, Н.С.Салаев, Д.И.Сафаров), а также криминалистических (А.С.Закутский, Т.Н.Бутунбаев) мер противодействия рассматриваемым преступлениям.

К вопросам изучения признаков состава преступлений, дифференциации уголовной ответственности, квалификации и доказывания при расследовании преступлений, а также виктимологическим, криминологическим, социологическим (уголовно-статистическим) аспектам преступлений, совершенных с помощью информационных технологий, обращались такие ученые, как В.А.Бессонов, М.Ю.Дворецкий, С.Г.Спирина, В.С. Карпова, Д.Г.Малышенко, А.М.Доронин, А.А.Жмыхов, Т.Л.Тропина, Т.М.Лопатина, У.В.Зинина, А.В.Глушков, М.А.Зубова, Ю.М.Батурин, Ю.М.Жодзинский, Н.А.Селиванов, Н.С.Полевой, Д.А.Крылов, В.Б.Вехов, Б.В.Андреев, О.М.Сафонов, В.П.Хорст, Ю.В.Гаврилин, А.Л.Осипенко и некоторые другие ученые. Необходимо особо отметить и исследования по вопросам уголовно-правовой охраны информационной безопасности таких авторов, как А.В.Мнацаканян, Д.А.Ковлагина, Г.И.Узембаева; вопросам информационных преступлений в сфере экономической деятельности – А.А.Шутова, М.А.Простосердов, М.Ю.Шаляпина, А.Ю.Чупрова, З.И.Хисамова; криминалистической характеристике и оперативно-розыскной деятельности Г.Г.Родионов; по вопросам противодействия преступлениям цифровой информации И.Р.Бегишев; по анализу на основе статистики способов сетевых вторжений в Интернет J.Howard (США), по технике расследования сетевых вторжений J.Smith (США); вопросам кибертерроризма и информационной безопасности – B.Collin (США), D.Denning (Великобритания); по вопросам личности киберпреступников и хакеров – S.Furnell (Австралия), P.Grabosky (США), P.Himanen (Финляндия); криминологическим аспектам киберпреступности – E.Hickey (Австрия), D.Parker (США).

В нашей республике была защищена диссертация на соискание ученой степени доктора философии (PhD) на тему ответственности за хищения, совершенные с использованием средств компьютерной техники (Х.Р.Очилов). В данном исследовании были изучены причины и условия преступления, связанных с зищением чужого имущества, компьютерное мошенничество и кража. Но не было проведено отдельное монографическое исследование по совершенствованию уголовно-правовых и криминологических мер борьбы с преступлениями в сфере информационных технологий и информационной безопасности.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами

высшего образовательного учреждения, в котором выполнена диссертация. Тема диссертации внесена в план научно-исследовательских работ Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан и осуществлена в рамках приоритетных направлений научных исследований «Проблемы совершенствования Уголовного кодекса Республики Узбекистан и практики его применения», «Проблемы совершенствования борьбы с преступностью в условиях глобализации».

Цель исследования состоит в разработке предложений и рекомендаций по дальнейшему совершенствованию уголовно-правовых и криминологических мер борьбы с преступлениями в сфере информационных технологий и безопасности.

Задачи исследования состоят в следующем:

разработка конкретных предложений по развитию доктрины уголовного права;

разработка предложений касательно совершенствования уголовного законодательства и обеспечения его эффективности;

разработка предложений по улучшению национальной правовой базы в аспекте повышения эффективности противодействия информационной преступности, новейшим угрозам и вызовам в информационной сфере;

предоставление рекомендаций касательно расширения возможностей имплементации международных стандартов, положений в деятельность правоохранительных органов и иных учреждений;

повышение эффективности криминологических мер профилактики и предупреждения преступлений в сфере информационных технологий и безопасности;

разработка предложений повышения эффективности мер уголовно-правовой борьбы с преступлениями в сфере информационных технологий и безопасности на основе изучения опыта развитых зарубежных стран;

разработка рекомендаций по улучшению правоприменительной практики.

Объект исследования составляет система общественных отношений, регулирующих уголовно-правовые, криминологические и организационные меры по противодействию преступлениям в сфере информационных технологий и безопасности.

Предмет исследования состоит из нормативно-правовых актов, регулирующих правоотношения касательно уголовной ответственности в Республике Узбекистан за совершения преступлений в сфере информационных технологий и безопасности, правоприменительной практики, действующего законодательства и практики зарубежных стран, а также существующих в уголовно-правовой науке концептуальных подходов, научно-теоретических воззрений и правовых категорий.

